O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№
Majburiy bepul nusxa




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 20 октябрь, № 203 (5118) Чоршанба


# ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан 19 октябрь куни расмий ташриф билан Ашхободга келди.**



***АШХОБОД, 19 октябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.***

Мамлакатимиз раҳбарини Ашхобод шаҳрининг халқаро аэропортида Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов кутиб олди. Шу ернинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президентлар Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркманистоннинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

«Ўғузкент» қароргоҳида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедовнинг яккама-якка суҳбати бўлди. Президентлар Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

— Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик устувор аҳамият касб этмоқда, — деди Ислом Каримов. — Биз Туркманистонни ишончли, узоқ муддатли иқтисодий шерик, деб биламиз. Савдо-иқтисодий алоқаларнинг барқарор ва изчил ривожланиши муносабатларимизни тараққий эттириш учун мустаҳкам асос вазифасини ўтайди. Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги ҳамкорлик икки томон манфаатларига, минтақавий ва халқаро тараққиёт талабларига мос равишда ривожланиб бормоқда.

— Туркманистон — Ўзбекистон муносабатлари икки томонлама ҳамкорликка, минтақавий ва халқаро масалаларга қараш ва ёндашувларнинг ўхшашлиги билан алоҳида аҳамиятга эга, — деди Гурбангули Бердимуҳамедов. — Ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши қўшничилик, анъана ва қадриятларга ҳурмат бир-биримизни яқинлаштиради. Туркманистон Ўзбекистон билан ривожланиб бораётган муносабатларни юксак қадрлайди.

Бугунги кунда икки томонлама алоқалар 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида тараққий этмоқда. Президентлар яккама-якка суҳбатда Ўзбекистон ва Туркманистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ҳамкорлигига, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга доир масалаларни муҳокама қилдилар.

Президентлар Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашдилар. Ислом Каримов фақат ҳарбий куч ишлатиш билан Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириб бўлмаслигини, кўп йиллик уруш оқибатида вайрон бўлган мамлакатда кенг кўламли халқаро ёрдам асосида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни тиклаш, давлатчиликни мустаҳкамлаш, аҳолини иш билан таъминлаш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан самарали фойдаланиш, минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларини юмшатиш масалалари юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашдилар. Айниқса, бутун минтақа учун ҳаётий муҳим ва долзарб бўлган умумий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш каби масалалар бўйича томонларнинг қарашлари ўхшаш ва яқиндир.

Иқтисодий ҳамкорлик кўлами ҳам кенг. Икки мамлакатда ҳам нефть-газ саноати жадал ривожланиб, хорижий сармоядорлар билан ёқилғи-энергетика мажмуи соҳасидаги ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда. Мамлакатларимиз бу соҳада икки томонлама ҳамкорлик баробарида кўп томонлама лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этмоқда. 2009 йилда очилган Марказий Осиё — Хитой газ қувури бунинг ёрқин далолатидир.

Транспорт соҳаси иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим бўғинидир. Ўзбекистон ҳудуди орқали Туркманистонга, Туркманистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга юк ташилади. Мамлакатларимиз коммуникациялари учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ўтамоқда. Ўзбекистон ва Туркманистоннинг транспорт ва транзит салоҳиятидан, янги транспорт тармоқлари очиш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш нафақат бу икки мамлакат, балки бошқа кўплаб давлатлар учун ҳам манфаатли эканлиги таъкидланди.

Президентлар мулоқотни Ўзбекистон ва Туркманистон расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар. Музокарада асосий эътибор савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Ўзбекистон ва Туркманистон табиий газ қазиб олиш ва узатиш борасида дунёдаги етакчи мамлакатлар сирасига киради. Энергия манбаларига талаб йил сайин ошиб бораётган ва жаҳон иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётган ҳозирги шароитда мамлакатларимизнинг бу соҳада яқиндан ҳамкорлик қилиши ғоят муҳим аҳамиятга эга. Соҳага биргаликда сармоя жалб этиш орқали, яъни йирик халқаро консорциумлар тузиш йўли билан Ўзбекистонда ҳам, Туркманистонда ҳам нефть-газ соҳасида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Бу нефть-газ саноати келтирадиган даромадни бир неча ҳисса ошириш имконини беради. Шу орқали давлатларимизнинг ҳамжиҳатлиги мустаҳкамланади, икки томонда янги иш ўринлари, янги инфратузилма иншоотлари барпо этилади.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Туркманистон халқаро транзит юк ташиш борасида катта имкониятларга эга. Бу соҳадаги амалий ҳамкорлик туфайли йилига мамлакатларимиз ҳудуди орқали ташиб ўтиладиган икки давлатга тегишли экспорт-импорт юклар ҳажми қарийб 2,5 миллион тоннага етмоқда.

Энг сердаромад соҳалардан бири бўлган сайёҳлик ҳамкорликнинг яна бир устувор йўналишидир. Бу борадаги ҳамкорлик икки томонлама сайёҳ алмашувини ривожлантириш баробарида, учинчи давлатлардан ҳам сайёҳ жалб қилишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Туркманистонга хизматлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, механик ускуналар, транспорт воситалари, шиша ва қора металл ҳамда улардан тайёрланган буюмлар, оптик асбоблар, кимё маҳсулотлари экспорт қилади. Туркманистондан Ўзбекистонга пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлар, хизматлар, ноорганик кимё маҳсулотлари импорт қилинади. 2009 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 185,7 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Лекин, музокарада тўғри таъкидланганидек, бу ҳали Ўзбекистон ва Туркманистон имкониятларига тўла мос кўрсаткич эмас.

Қўшма корхоналар сонини ҳам томонларнинг салоҳияти даражасида, дейиш қийин. Нефть-газ, қишлоқ хўжалиги, транспорт, сайёҳликдан ташқари кўплаб бошқа соҳаларда ҳам қўшма корхоналар ташкил этиш мумкин. Улар сирасига ахборот технологиялари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик ва бошқа соҳалар киради.

Фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиш ва ривожлантириш Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия зиммасига юкланган. Сўнгги йилларда Президентлар ташаббуси билан ушбу комиссия мунтазам равишда мажлислар ўтказиб келмоқда. Тошкент ва Ашхободда Ўзбекистон ва Туркманистоннинг миллий кўргазмалари ташкил қилинмоқда.

Музокарада гуманитар ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Албатта, бу йўналишдаги алоқаларни ривожлантиришда халқларимиз ўртасидаги маънавий яқинлик, анъанавий дўстлик ришталари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва Туркманистоннинг маданият ва санъат намояндалари икки мамлакатда ташкил этиладиган фестиваль, кўргазма ва форумларда мунтазам иштирок этиб келадилар. Хусусан, туркманистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг доимий иштирокчиларидир. 2009 йилда туркманистонлик Л. Бегназарова бу фестивалда Гран-прига сазовор бўлди.

Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистонда атоқли туркман шоири Мулланафаснинг 200 йиллик юбилейи кенг нишонланди.

Шу кунларда Туркманистоннинг Тошҳовуз шаҳрида бўлиб ўтаётган Ўзбекистон — Туркманистон ижодий фестивали эса маданият соҳасидаги ҳамкорликнинг яна бир ёрқин намоёнидир.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон — Туркманистон қўшма баёнотига имзо чекдилар. Мамлакатларимиз ҳукуматлари ўртасида маданий-гуманитар соҳада 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов музокаралар очиқ, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларини янада ривожлантиришга, икки мамлакат халқлари манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Туркманистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА).**
**Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.**

*Жорий йилнинг 26 — 30 октябрь кунлари пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг иккинчи босқичи бўлиб ўтади.*

# МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР БОЗОРИ

Маълумки, истиқлол йилларида мамлакатимизда бевосита Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётганислоҳотлар туфайли иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларида ижобий ўзгаришларга эришилаётир. Бунда корхоналарнинг модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан янгиланаётгани, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, кичик бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни шу мақсаддаги ишларни янада жадаллаштириш ва юқори самарадорликка эришишда, айтиш лозимки, бир неча йиллардан буён ўтказилиб келинаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўзига хос омил бўлаётир. Негаки, у импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, корхоналар ўртасида кооперацион алоқаларни ривожлантиришга, ички бозорда маҳаллий товарлар ҳажмининг ўсишига, энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ушбу тадбирга қизиқиш тобора ортиб бораётгани, ишлаб чиқарувчилар томонидан янги маҳсулотлар ўзлаштирилиб, улар ички ва ташқи бозорга мунтазам етказиб берилаётгани ана шунинг далолатидир. Эътиборли жиҳати, ярмарка ва биржада нафақат маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, балки хорижлик мутахассисларнинг ҳам фаол иштирок этиши таъминланаётир.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичида 400 дан зиёд маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан бирга, 50 дан ортиқ давлатнинг 600 дан зиёд фирма ва компанияларидан вакиллар қатнашгани, унда республикамизда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзлаштирилган янги маҳсулотлар ёки ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган товар ва буюмларга катта ўрин ажратилгани бунга ёрқин мисол бўла олади. Кўтаринки кайфият ва ишчан руҳда бўлиб ўтган тадбирда юртимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан жорий йил охиригача ҳамда 2011

(Давоми 2-бетда).

# СИФАТ ЮҚОРИЛИГИ – ТОЛА ХАРИДОРГИРЛИГИ

***Президентимизнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригини мамнуният билан қайта-қайта ўқиб чиқдик. Айниқса, унда юксак пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшган жамоалар қаторида бизнинг фермер хўжалигимиз ҳам алоҳида тилга олингани бутун жамоамизни ғурурлантириб юборди ва зиммамизга ана шу юксак эътирофга лойиқ бўлиш масъулиятини юклади.***

**Дил сўзи**

Бу йилги муваффақиятимиз омили ҳақида гап кетганда, таъминот ишларининг яхши йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Сабаби, уруғлик чигитдан тортиб, минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари, қўйингки, барча зарур воситалар даламиз бошигача келтириб берилди. Биздан фақат меҳнат қилиш, сифатли ва баракали ҳосил етиштириш талаб қилинди, холос. Жамоамизнинг фидокорона меҳнати эвазига эса бунинг уддасидан чиққан ҳолда, давлатга 137 тоннадан ортиқ саноатбоп хом ашё сотиб, эл-юрт олдида юзимиз ёруғ бўлди. Ҳосилдорликни гектар ҳисобига 40 центнердан оширишга эришдик.

Табрикда таъкидланганидек, пахтакорлар қўлга киритган ютуқларнинг эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, етиштирилган пахтанинг асосий қисми юксак сифат билан тайёрланди. Жумладан, бухоролик деҳқон ва фермерлар етиштирган ҳосилнинг 90-94 фоизи, хўжалигимиз давлатга сотган хом ашёнинг эса 110 фоизи биринчи навга қабул қилинди. Бу пахтачиликдан кўриладиган даромаднинг юқори бўлишидан далолатдир. Зеро, биз 80 миллион сўм миқдорида фойда олишни мўлжаллаб турибмиз.

Хўжалигимизда кўп йиллардан буён ғўзанинг "Бухоро-6" навини парваришлаб келамиз. Бу вилоят тупроқ-иқлим шароитига жуда мос: кам сув талаб қилади, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, энг асосийси, серҳосил бўлиб, жаҳон бозорида талаб юқори бўлган саноатбоп тола беради. Шу маънода, мўл ҳосил етиштиришдан, энг аввало, ўзимиз манфаат кўраяпмиз.

Манфаатдорликнинг ошиши, ўз навбатида, қўшимча тармоқларни ривожлантиришда қўл келаяпти. Хусусан, жорий йилда 7,5 гектар майдонга такрорий экин экдик, чорвачиликни йўлга қўйдик.

Буларнинг бари эл-юрт фаровонлигини ошириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаяптики, бу бизни янада янги марраларга эришишга руҳлантирмоқда.

**Ҳамроқул ТЎХТАЕВ,**
**Ромитан туманидаги «Тўхтамурод» фермер хўжалиги раҳбари.**

**Мамлакатимизда мустақиллик йилларида солиқ тизимини шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар рўёбга чиқарилди. Жумладан, солиқ қонунчилиги такомиллаштирилиб, ушбу соҳанинг замонавий услуб ва механизмлари жорий этилди, аниқроғи, солиқ органларининг яхлит ва ишончли тизими яратилди. Шу билан бирга, соҳада тўпланган тажриба ва ютуқлар таҳлилидан шу нарса аниқ бўлдики, бугунги кунда солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш зарурати мавжуд.**

# СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 8 январда қабул қилинган "Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ушбу масалани ҳал этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Чунки мазкур қарорда солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш, назорат органлари функцияларидаги бир-бирини такрорлайдиган жиҳатларни бартараф этиш, республикамиз фискал-молия органлари тузилмасида солиқ органларининг қонунчилик ижросини амалга ошириш ва Давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантириш борасидаги ваколатларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур қарор талаблари асосида ишлаб чиқилган ва яқинда кучга кирган "Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ушбу йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Негаки, мазкур ҳужжат билан мамлакатимизнинг Солиқ ва Жиноят-процессуал кодексларига, "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

## Қонун кучга кирди

Умуман, таҳлиллар шуни кўрсатдики, бозорлар ва савдо мажмуалари фаолиятини назорат қилиш шу пайтга қадар аниқ-пухта мувофиқлаштирилмаётган эди. Оқибатда бозорлар ҳудудларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятига турли текширувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан ноқонуний аралашиш ҳолатлари учраб турарди. Шунингдек, бозорларда солиқ қонунчилигини бузиш, турли йиғимларни ундириш, акциз солиғига тортиладиган товарлар ва контрафакт молларнинг ноқонуний муомалада бўлиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини оширилган нархларда қайта сотиш, олинган нақд пул тушумини тўлиқ инкассация қилмаслик ҳоллари кузатилаётганди. Бу эса, аҳолининг ҳақли равишда эътирозларига сабаб бўлгани сир эмас.

Ана шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 38-моддаси 10-бандига мувофиқ, фақат бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларида аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича суриштирув ўтказиш ваколати Давлат солиқ қўмитасининг янги тузилган Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимларига берилди. Бу, табиийки, бозорлар ва савдо мажмуаларида солиқ қонунчилигига риоя этилишини қатъий назорат қилиш ҳамда жиноий ишлар юзасидан тегишли чоралар кўриш имконини беради.

Давлат солиқ қўмитаси маълумотларига кўра, ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигида бозорлар ва савдо мажмуалари ҳудудида жами 7900 дан ортиқ текшириш ўтказилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 2015 та текширувлар бўлган. Яъни текширишлар сони 74,5 фоиз камайган. 2009 йилда улар бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига 148 та текшириш ҳужжати юборилиб, шулардан 106 таси бўйича жиноят иши қўзғатилган. Жорий йилнинг шу даврида эса юборилган ҳужжатларнинг 152 таси бўйича жиноий иш очилган. Текширишлар сони камайган бўлсада, жиноят ишларини қўзғатиш сони ошган. Бунга эса фискал хотирали назорат-касса машиналаридан ва тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш тартибини бузиш, кирим қилинмаган ҳамда контрафакт товарларни сақлаш ва ушбу товарлар билан савдо қилиш каби салбий ҳолатлар сабаб бўлаётир.

"Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасида бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тушумлари ҳисобининг тўлиқлиги, назорат-касса машиналари, ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланилиши, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилиши устидан қисқа муддатли текширишлар ўтказиш фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддаси ва Солиқ кодексининг 88-моддасида бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари, шунингдек, уларнинг ҳудудида фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан қисқа муддатли текшириш ўтказишга давлат солиқ хизмати органи бошлиғининг текширувни ўтказиш мақсадлари, муддатлари ва текширувни ўтказувчи мансабдор шахслар таркиби кўрсатилган буйруғи асос бўлиши ва фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилишини ифодаловчи меъёр ўз аксини топди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Қонун солиқ хизмати органларининг роли ва вазифаларини кучайтириш, ваколатларини кенгайтириш ҳамда масъулиятини оширишга хизмат қилади. Энг муҳими, у тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини самарали ҳимоялашнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлайди.

**Абдурашид АЛТИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси.**

# ЭЗГУ ИШЛАРНИНГ УЗВИЙ ДАВОМИ

**Пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" маркази кўргазмалар павильонида Қишлоқ аҳолиси учун уй-жойлар лойиҳаларининг II Республика кўргазмаси очилди.**

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан "Қишлоққурилишлойиҳа" лойиҳа-қидирув институти, "Қишлоқ қурилиш банк" очиқ акциядорлик тижорат банки, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан мамлакатимизда 2009 йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши, шу муносабат билан "Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади", деган эзгу ғояни ўзида ифода этган Давлат дастури изчиллик билан амалга оширилиши қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш ва янгилаш, уй-жой, ижтимоий ҳамда коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этишда кенг имкониятлар яратмоқда.

## Озод юртнинг обод уйлари

Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг гувоҳи бўласиз. Қай бир юртдошимиз билан суҳбатлашманг, қишлоқларимиз қиёфаси кундан-кунга ўзгариб, тобора кўркамлик касб этаётгани, янги иморатлар солинаётгани ҳақида тўлқинланиб гапиради. Дарҳақиқат, обод қишлоқлар, замонавий уй-жойлар мамлакатимиз кўрки, халқимиз фаровонлигининг ёрқин намунасидир.

Бу мустақиллик йилларида юртимизда инсон манфаатларини таъминлаш, юртдошларимизга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг самарасидир. Қисқа вақт ичида қишлоқ жойларда қурилиш олиб бориш учун узоқ истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаштириш, саноат-қурилиш, муҳандислик-техник жиҳатдан кучли, замонавий салоҳиятга эга база яратилди. Молиялаш манбалари ва маблағ ажратиш механизми белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг қарорига биноан ташкил этилган "Қишлоққурилишлойиҳа" лойиҳа-қидирув институти томонидан замонавий индустриал технологияларни қўллаган ҳолда барпо этиладиган уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш объектларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ана шу намунавий лойиҳалар асосида дастлабки уй-жойлар қурилиб, ўз эгаларига топширилди.

Президентимиз Ислом Каримов шу йил май ойида Андижон ва Фарғона вилоятларига ташрифи давомида жойларда қурилган ана шундай дастлабки уй-жойларни кўздан кечириб, янги хонадонларнинг эгалари билан суҳбатлашди. Экспериментал тарзда қурилган бу уйларнинг афзал жиҳатларини эътироф этган ҳолда, ушбу лойиҳаларни янада такомиллаштириш юзасидан ўзининг амалий фикр-мулоҳазаларини билдириб, таклиф ва тавсиялар берди.

Президентимизнинг 2010 йил 17 июнда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, уй-жойларнинг намунавий лойиҳаларига ўзгартиш ва тузатишлар киритилди. Жумладан, қишлоқ жойларда ҳар бир иморат қурувчига шу пайтгача ажратиб келинаётган 4 сотих ўрнига 6 сотих ҳажмида ер участкаси ажратиш белгиланди.

Меъморлар, лойиҳачилар, қурилиш материаллари ва жиҳозлари, электр жиҳозлари ишлаб чиқарувчилар, мамлакатимизнинг қишлоқ туманларидан вакиллар иштирок этаётган мазкур кўргазмада қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг, ижтимоий-маданий ва маиший объектларнинг намунавий лойиҳалари, қурилиш материаллари, дераза, эшик ва витражлар сингари ихтисослаштирилган экспозиция бўлимлари ташкил этилган.

"Қишлоққурилишлойиҳа" лойиҳа-қидирув институти томонидан Президентимизнинг таклиф ва тавсиялари, қишлоқ аҳолисининг хоҳиш-истаклари асосида намунавий лойиҳалари такомиллаштирилган, маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда, ҳақиқий ўлчовларда қурилган ҳамда замонавий безак ва мебеллар билан жиҳозланган бир қаватли 3, 4 ва 5 хонали уйларнинг намуналари кўргазмадан жой олган.

Кўргазма иштирокчилари намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш, қишлоқларни ободонлаштиришга доир лойиҳаларни кредитлаш ва молиялаш билан шуғулланувчи "Қишлоқ қурилиш банк" очиқ акциядорлик тижорат банки фаолияти, уй-жой қурилишида буюртмачи вазифасини бажарувчи "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси томонидан аҳолига кўрсатиладиган хизмат турлари билан ҳам танишмоқдалар.

— Кўргазмада Президентимизнинг 2010 йил 17 июнда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифаларга мувофиқ, такомиллаштирилган бир қаватли 3, 4 ва 5 хонали уй-жойларнинг лойиҳаларини намойиш этаяпмиз, — дейди "Қишлоққурилишлойиҳа" лойиҳа-қидирув институтининг уй-жой бинолари бўйича лойиҳалар бош архитектори Зулфия Мирзалиева. — Давлатимиз раҳбарининг таклиф ва тавсиялари асосида илгари ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар ҳар томонлама синчиклаб таҳлил қилинди. Эътибордан четда қолган табиий омиллар — шамол йўналиши, қуёш нурининг тушиши каби муҳим иморатсозлик талаблари янги лойиҳаларда инобатга олинди. Шунингдек, хоналарнинг жойлаштирилиши қайта кўриб чиқилди, хоналар кенгайтирилди, деворлар баландлиги 3 метрдан 3,2 метрга кўтарилди. Такомиллаштирилган лойиҳада кексалар ва болалар учун ҳам тегишли қулайликлар, ошхона ва айвон ёнма-ён жойлаштирилиб, улардан меҳмонхонага бемалол ўтиладиган йўлак кўзда тутилган.

Яна бир аҳамиятли жиҳати: дарвозахонада шахсий енгил машина учун махсус жой ҳам назарда тутилган, хавфсизлик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, уйга тақаб қурилган сув иситиш — қозонхона қурилмаси ҳовлининг четига кўчирилган.

Мухтасар айтганда, янги массивларда барпо этиладиган уй-жойлар эндиликда Президентимиз тавсиялари асосида қайта ишланган лойиҳалар бўйича — шарқона усулда, халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, табиий иқлим шароити, шу билан бирга, замонавий муҳандислик коммуникациялари билан уйғун ҳолда, баҳаво, ёруғ, кенг ва қулай қилиб тикланади.

Хусусан, мамлакатимиз қишлоқ туманларида 2011 йилда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жой қурилиши учун ҳудуднинг демографик хусусиятларига, шароитларига, ер майдонига, ер ости сувларининг сатҳига, автомобиль йўллари, муҳандислик ва инфратузилма объектларига бўлган масофалар эътиборга олинган ҳолда 372 ер массиви танланди. Мазкур массивларда кўргазмада намойиш этилаётган лойиҳалар бўйича 7,4 минг 3, 4 ва 5 хонали уй-жой тайёр ҳолда топшириш шарти асосида барпо этилади.

Халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши, муносиб ҳаёт кечириши йўлида изчил олиб борилаётган бундай амалий ишлар, ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган лойиҳалар қишлоқда турмуш маданиятини янги босқичга кўтариши, шубҳасиз.

Кўргазма иштирокчилари, шунингдек, уй-жой қурилиши учун ер массивларини танлаш, такомиллаштирилган намунавий лойиҳаларнинг афзалликлари, қишлоқда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш учун фуқароларга имтиёзли ипотека кредити бериш, тайёр ҳолда топшириш шартлари асосида уй-жойларни қуриш тартиби каби масалаларга бағишланган семинарларда иштирок этмоқдалар.



Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган сурат.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Яхши хабарлар

***Хатирчи туманидаги Икром Карвон маҳалласида муҳташам гузар қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

### Муҳташам гузар файзи

Ушбу бино "Ўзпахтасаноат" акциядорлик компанияси вилоят филиалининг 242 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами ҳисобига барпо этилди. Айни пайтда бу ерда милиция таянч пункти ҳамда ўнлаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлади. Шунингдек, 12 киши иш билан таъминлангани ҳам эътиборлидир.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Кредит самара берди

***Боғот туманилик тадбиркор Улуғбек Қўшназаров атир ва хўжалик совуни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.***

Бунинг учун банкдан олинган 350 миллион сўмлик кредит эвазига хориждан замонавий технология олиб келиб ўрнатилди. Ҳозирда 10 киши меҳнат қилаётган корхонада ойига 20 тоннагача кир ювиш воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

Таъкидлаш кераки, туманда фаолият кўрсатаётган 2 мингдан ортиқ тадбиркорлар томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 9 миллиард 142 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### 167 миллион сўмлик маҳсулот

***Наманган шаҳридаги "Муштарий интернейшнл" қўшма корхонаси бино ва иншоотларининг таъмирталаб аҳволга келиб қолиши туфайли қарийб бир ярим йилдан буён фаолият юритмаётган эди.***

Хорижлик ҳамкорлар томонидан киритилган 117 миллион сўмлик инвестиция ҳисобига бу ердаги технологиялар яна қайта ҳаракатга келтирилди. Натижада 87 та иш ўрни яратилган корхона жамоаси ўтган қисқа муддат ичида буюртмачиларга 167 миллион сўмлик кийим-кечак маҳсулотлари етказиб беришга эришди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР БОЗОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

йилда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар етказиб бериш бўйича умумий қиймати бир триллион 225 миллион сўмликдан зиёд икки ярим мингтадан ортиқ шартнома тузилган эди. Экспорт шартномалари суммаси эса 14 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Бундан ташқари, тадбир доирасида ўнлаб тақдимот маросимлари ўтказилди. Биринчи босқич якунининг ахборот базаси шакллантирилиб, Ўзбекистон саноат маҳсулотларининг каталоги чоп этилди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг иккинчи босқичида эса мамлакатимиз ҳамда хорижда фаолият юритаётган 600 дан ортиқ компания ва корхоналар иштирок этиши кутилмоқда.

Тадбир давомида улар ташриф буюрувчиларга ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ёки хизматларини, шунингдек, келгуси йилда ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган истиқболли маҳсулотларини кенг намойиш этиш баробарида, уларни етказиб бериш бўйича шартномалар тузадилар. Бу ишлаб чиқарувчилар ўртасида бевосита амалий музокаралар олиб бориш, ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашда янги-янги имкониятларни рўёбга чиқариши, шубҳасиз.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ГЕРМАНИЯДА ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

***Германиянинг Трир шаҳрида Ўзбекистон Республикаси элчихонаси томонидан "Maurya Tours" сайёҳлик бюроси ва "Chorale Classique" хор жамоаси ҳамкорлигида "Ўзбекистон — Буюк Ипак йўли чорраҳасида" мавзуида юртимиз туристик салоҳияти намойишига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Мамлакатимизда сайёҳлик соҳасини янада ривожлантириш мақсадида ташкиллаштирилган мазкур тадбирда Трир шаҳрининг ижтимоий-маданий ҳамда ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.***

Унда сўзга чиққан "Maurya Tours" сайёҳлик бюроси раҳбари Ханс-Иоахим Шродт Ўзбекистоннинг маданий-тарихий обидалари ҳақида тўхталар экан, юртимизда шу кунгача кўз қорачиғидек сақланиб келинаётган меъморчилик обидалари инсониятнинг энг катта бойликлари сифатида Буюк Ипак йўлининг ривожланишида алоҳида ўрин тутишини таъкидлади.

— Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ўзининг кўплаб маданий-тарихий обидаларини қайта тиклашга киришди, меъморчилик ёдгорликларини тубдан таъмирлади, — деди, жумладан, у. — Бу, ўз навбатида, мамлакат сайёҳлик салоҳиятининг юксалишида муҳим омил бўлди.

## Биз ва жаҳон

У Ўзбекистонга амалга оширган илгариги саёҳатлари давомида тайёрлаган фотоматериалларидан фойдаланган ҳолда, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, бой урф-одатлари, ширали мевалари ва миллий таомлари ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берди.

"Биз шу кунга қадар Ўзбекистонга икки марта саёҳат уюштирдик. Сўнгги вақтларда Германия жамоатчилиги орасида мамлакатингизга қизиқиш ортиб бораётганини инобатга олиб, келгусида саёҳатлар сонини кўпайтиришни режалаштирганмиз. Зотан, Ўзбекистоннинг маданий ёдгорликлари ҳисобланмиш тарихий обидалар бутун Европа, жумладан, германияликларнинг ҳам қизиқишини доимо ўзига тортиб келган. Ташкилотимиз, асосан, Жанубий Осиё давлатлари, хусусан, Ҳиндистон, Непал ва Бутанга туристик саёҳатлар уюштириш билан шуғулланарди. Эндиликда биз Ўзбекистонни ҳам энг асосий йўналишлардан бири сифатида белгилаб олдик. Шундан келиб чиқиб, яқин келажакда мамлакатингиз сайёҳлик бозорида янада қизғин фаолият олиб боришни ўзимиз учун мақсад қилганмиз", дея ўз сўзини якунлади "Maurya Tours" сайёҳлик бюроси раҳбари Ханс-Иоахим Шродт.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

## истиқлол йилларида эъзозланиб, тараққий топмоқда



***Машрабхон ая асли андижонлик. Анча йиллар олдин машҳур дурадгор уста Каримжон ота оиласига келин бўлиб тушди. Турмуш ўртоғи Иброҳимжон билан қайнотасига қарашиб юриб, эшик, дераза, сандиқ, қути, айниқса, бешик ясашда анча-мунча усталардан қолишмайдиган бўлди. Бешик ёпқич, кўрпа, кўрпача тикишда-ку унинг олдига тушадигани топилмасди.***

***Кейин уларнинг оиласи тақдир тақозоси билан Мирзачўлга кўчди. Чўлқуварларга, чўлда қад ростлаётган уй-жойларга уста Каримжон отага, Иброҳимжонга ўхшаган ёғоч-тахта деганининг "жонини киритадиган" қўли гул ҳунармандлар зарур эди. Қўл-оёғи чаққонлиги, ўткир зеҳни, фаҳм-фаросати билан қайнотаси дуосини олиб, Иброҳимжоннинг қанотига айланган Машрабхон чўлқуварлар маркази Гулистонда туп қўйиб палак ёзди.***

Мустақиллик шарофати, Президентимизнинг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, миллий ҳунармандчилигимизни ривожлантиришга оид фармон ва қарорларидан руҳланган Машрабхон Каримова ўғил-қизлари, келинлари, невараларини ёнига олиб кичик корхона очди. Шаҳар мутасаддилари билан кенгашиб, маҳалласидаги бўш ётган бинони таъмирлаб, ишлаб чиқариш устахонасига айлантирди. Банк кредити ҳисобига тикув машиналари ва ёғочга ишлов берадиган дастгоҳлар харид қилди.

Бугунги кунда Машрабхон аянинг дурадгорлик маҳсулотлари ҳамда миллий ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқараётган мўъжазгина корхонасини нафақат Гулистонда, балки вилоятда ҳам яхши билишади. Эътиборлиси, тадбиркор аёлнинг кичик корхонасида "Устоз — шогирд" мактаби йўлга қўйилган. Гулистон шаҳридан, атроф туманлардан келган йигит-қизлар бу ердаги усталардан иш ўрганиш билан бирга, касб маҳоратларини ҳам оширадилар. Бу эса уларнинг келгусида ўз тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишларида айни қўл келади.

Машрабхон ая оиласида кўплаб ўғил-қизларни, невараларни тарбиялаб, элга қўшган, маҳалланинг ҳам ўтидан кириб, кулидан чиқиб юрган, жонкуяр, жамоатчи, кайвони онахонлардан эмасми, корхонасида яна бир, кўпларга сабоқ бўлгулик хайрли ишга қўл урди. У бешик, сандиқ, қути, қутича каби маҳсулотларнинг ўймакорлик ишларига, бешик ёпқич, кўрпа, кўрпача, ёстиқ каби буюмларни тайёрлашга маълум сабабларга кўра уйда ўтириб қолган аёлларни, ногиронларни касаначилик асосида жалб этди. Маҳалласидаги 3-мактабда тикувчилик, дурадгорлик тўгарагини ҳам ташкил қилди.

## Интилиш

Бугун Сирдарё вилоятида Машрабхон ая сингари давр билан баббаравар қадам ташлаётган, Мустақиллик берган имкониятдан оқилона фойдаланиб, эл-юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган кичик бизнес вакиллари, тадбиркор, уддабурон кишилар кўпчиликни ташкил этади. Айни пайтда вилоятда 558 та кичик корхона, 5548 та микрофирма ва 820 нафар ҳунарманд фаолият кўрсатмоқда.

"Боёвут — Бунёдкор" кичик корхонаси "Асака" банкидан 411 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, ғишт ишлаб чиқарадиган корхона қурди. Корхона ишга тушиши билан Боёвутдаги қурилишлар кўлами кенгайди. Қувончлиси, қишлоқ ёшларидан 30 нафари ўз иш жойига эга бўлди. Сирдарё туманидаги "Малик сув" кичик корхонаси раҳбари Жаҳонгир Содиқов Халқ банки кредити кўмагида шифобахш маъданли сув ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. 10 нафар йигит-қиз ишлаётган мўъжаз корхона маҳсулотлари сирдарёликларга манзур бўлмоқда. Тадбиркор Аҳмад Ботировнинг "Сабе" деб номланган масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган музқаймоқларни эса бутун вилоятда яхши билишади. Тадбиркор йигит корхонасини ўз ҳисобидан қурди, йигирмага яқин қишлоқ ёшларини иш билан таъминлади. Ховос туманидаги "Райтекс — РТ" хусусий тикувчилик корхонасида эса ўттиздан зиёд хотин-қиз меҳнат қилмоқда...

Бундай мисолларни Сирдарёнинг ҳар бир шаҳри, ҳар бир қишлоғидан келтириш мумкин. Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида вилоятда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан 93,9 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, — дейди Сирдарё вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Абдухалил Исломов. — Бугун вилоятимизда ўз бизнес лойиҳаларини тузаётган, ташаббус кўрсатиб, юксак марраларни кўзлаётган юртдошларимиз жуда кўп. Мутасадди ташкилотлар, молия муассасалари кичик бизнес вакиллари — тадбиркорларни, ҳунармандларни қўллаб-қувватлашга, уларга амалий ёрдам беришга ҳаракат қилишмоқда. Тижорат банклари томонидан ўтган йили тадбиркорларга 50 миллиард 321 миллион сўм кредит ажратилган бўлса, шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида бу рақам 56 миллиард 900 миллион сўмни ташкил этди. Тадбиркорлар меҳнати, саъй-ҳаракати билан сирдарёликлар турмуши тобора фаровонлашиб бораяпти. Шаҳар-қишлоқлар кўркига кўрк қўшилаяпти. Қишлоқ ёшлари ўз иш жойларига эга бўлмоқдалар.

Мухтасар қилиб айтганда, кичик бизнес ўзининг катта ишлари билан тобора ёрқинроқ кўзга ташланмоқда, бу билан юртимиз тараққиёти янада тезлашувига муносиб ҳисса қўшилаётир.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**А. ЗИЁДОВ.**

| ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | | | | |
|---|---|---|---|---|
| УН олий нав 727,1 ▼ -0,8 | УН биринчи нав 520,7 ▼ -0,1 | УН иккинчи нав 467,9 ▼ -0,7 | ПАХТА ЁҒИ 1741,7 ▼ -15,5 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 192,0 ▲ +0,2 |

***Мутафаккир Абдулла Авлонийнинг: "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойинайи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур", деган сўзлари ҳамон ўз долзарблигини сақлагандай. Дарҳақиқат, она тилимиз яшар экан, унинг воситасида ифодаланган бадиий адабиётимиз барҳаёт. Она тили ва адабиётимиз барҳаёт экан, миллатнинг умри бардавом, келажаги порлоқдир.***

# ҒУРУР ВА ИФТИХОРИМИЗ КЎЗГУСИ

Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли китобида қайд этилганидек: "Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир".

Ватанимизнинг минг асрлар ичра пинҳон тарихини варақлар эканмиз, юртимизга кўз тиккан ҳар бир ҳукмрон тузум халқимизнинг руҳини сўндириш, иродасини синдириш учун, аввало, унинг она тилини йўқотишга уринганлигини кузатишимиз мумкин. Лекин бу саъй-ҳаракатлар музаффар тарихимиз узра муваққат ҳукмронлигини сақлай олган, холос. Ана шу олис тарихий жараёнларда ҳозирги замон она тилимиз бағрига мўғул, форс, араб, рус тилларининг катта маънавий бойлиги ўзлашиб, сингиб кетган. Бу — жуда қизиқ ва қонуний жараён. Босқинчилар келганлар, кетганлар, лекин миллий тилимиз ўзлигини сақлаган. Ўзлигини чет тилларнинг сўз ва ифода, жумлавий андоза бойликлари эвазига янада такомиллаштирган ҳолатда сақлаган. Она тилимиз тимсолида миллат ва халқ, адабиёт ва тарих, илм-фанимиз ўзлигини сақлаб, ривожланиб келди.

**21 октябрь — «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган кун**

Қардош туркман шоири Махтумқулининг "Махтумқули сўзлар тили туркманнинг" деган мисрасида ҳам ажойиб ҳикмат бор. Халқнинг адабиёти, тарихи, илм-фани — жамики маданий бойлик-бисоти унинг тили бўлиб сўйлаб, миллат ва халқнинг ўзлигини яққол намойиш этиб туради. Чунки улардаги мазмун, фикр, ғоя, образ, тасвир, ифода миллий тил либосида адо этилади.

Тарихнинг бурилиш нуқталарида халқ қаҳрамонлари она тилимизга, у орқали эса миллатнинг руҳига ҳаёт бағишлаганлар. Ана шундай қаҳрамонларимиздан бири ҳақида улуғ темурийзода Ҳусайн Бойқаро ўзининг "Рисола"сида: "Алишер Навоий туркий тилнинг ўлган жасадига жон киюрди", дея баҳо берган эди. Навоий она тилимизнинг беқиёс ифода имкониятларини лирик шеърлари, достонлари, илмий насрий асарлари орқали намойиш этиб, "манзури шаҳаншоҳи Хуросон"гина бўлиб қолмади. Бошқа бир беназир шоиримиз Хоразмий "Қиличдай тил била оламни туттим" деганидек, дунёни забт этди. Ўзбек миллий маънавиятини дунёга достон қилди. Ўзбек миллатининг мавқеини маънавий, сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан юксак поғонага кўтарди.

Дарвоқе, буюк мутафаккир Алишер Навоий она тилимиз ва халқимиз олдида бажарган тарихий хизматини зўр ифтихор билан таъкидлаб кетган эди:

*Турк назмида чу мен тортиб алам,*
*Айладим ул мамлакатни яққалам.*

Навоий бу кўп маъноли байтида икки теран мазмунни мужассам этган. "Алам" ва "яққалам" кўп маъноли сўзларининг биринчи маъноларидан келиб чиқсак, Навоий туркий шеъриятда алам, яъни риёзат, изтироб, машаққат тортиб, бу мамлакат халқини яққалам, яъни ягона адабий тилга эга қилдим демоқда. Энди "алам" сўзининг "байроқ", "яққалам" сўзининг "яхлитлик", "бутунлик" маъноларидан келиб чиқсак, Навоий мен туркий адабиётда байроқдорлик қилиб, мамлакат ва унинг халқини ягона адабий тил тимсолида яхлит ва бутун ҳолатга келтирдим, бирлаштирдим, демоқда. Чиндан ҳам, адабий тил миллат ва халқни бирлаштирувчи туғдир. Давлат тили ҳам халқимизни Истиқлолнинг толе тонгида бирлаштирган ана шундай байроқдир.

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА.**

## «Асака» банки:

# КИЧИК БИЗНЕС — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

*Капитал ва активлари ҳажми жиҳатидан республикамизда етакчи банклардан бири саналмиш "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб молия хизматлари бозорида етакчи мавқега эга бўлиб, ушбу ўрнини доимий сақлаб келмоқда.*

**Молия муассасаларида**

Унинг жамоаси мамлакатимиз иқтисодий ҳаётининг барча иштирокчилари билан яқиндан ҳамкорлик қилишга интилган ҳолда, мулкчилик шакли ва фаолият кўламидан қатъи назар, мавжуд хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, аҳоли ижтимоий қатламларининг индивидуал талабидан келиб чиқиб, асосий эътиборни кўрсатилаётган хизматларнинг сифатига қаратмоқда. Шу билан бирга, Президентимизнинг тегишли Фармон ва қарорлари асосида ўз капитали, активлари ҳажми ҳамда фаолиятининг барча жабҳаларини ривожлантириш бўйича жадал иш олиб борилмоқда. Натижада жаҳоннинг етакчи ва нуфузли халқаро рейтинг агентликлари бўлмиш "Fitch Ratings" ва "Moody's Investors Service Ltd" халқаро рейтинг агентликлари томонидан банк фаолиятига юқори рейтинг баҳолари берилдики, бу унинг ишончли банк эканлигидан, аҳолининг унга бўлган ишончи янада мустаҳкамланаётганидан далолатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида "Асака" банки жадал ривожланаётган йирик кредит муассасаси сифатида ташқи ва ички бозорда етакчи ўринларни эгаллаш бўйича аниқ белгиланган стратегик дастур асосида фаолият юритди. Бу жараёнда мижозларга халқаро андозалар талабига жавоб берадиган турли банк хизматларини таклиф этган ҳолда, юқори даражада ва тезкор хизмат кўрсатишга, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб қилишга устуворлик берилди. Пировардида унинг жами активлари 2010 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 818,2 млрд. сўмга ёки 50,2 фоизга ўсиб, 2 трлн. 448,5 млрд. сўмни ташкил этди.

(Давоми 4-бетда).

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиб, тан олинаётгани бежиз эмас. Бинобарин, унинг доирасида ҳаётга татбиқ этилган чора-тадбирлар дунёнинг кўплаб давлатларида молиявий-иқтисодий бўҳрон асоратлари кузатилаётган бир пайтда мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни ва аҳолининг турмуш даражаси янада яхшиланишини намоён қилди.***

# МЕВА-САБЗАВОТЛАР — ЭЛ ДАСТУРХОНИГА



Бундай ижобий ютуқларга эришишда давлатимиз раҳбарининг "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим омил бўлганини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки ушбу ҳужжат талаблари ижроси туфайли республикамизда ғалла ва мева-сабзавот етиштириш учун ажратилган ер майдонлари сезиларли даражада ошди. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг ортишига, шу билан бирга, қайта ишлаш корхоналари учун хом ашё базасининг кўпайиши, соҳада янги қувватларнинг барпо этилиши, кўплаб иш ўринлари яратилиши учун қўшимча имкониятлар туғдирди. Андижон шаҳридаги банкротликка учраган "Ал-Осиё" корхонаси негизида жорий йил июль ойида ташкил этилган "Asia Sokato" МЧЖ ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйди. Натижада фермерлар ўз маҳсулотларини сотиш ҳамда ички бозорда озиқ-овқат неъматларини кўпайтиришда катта имкониятга эга бўлдилар.

**Ислоҳот**

Мазкур лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки муносиб улуш қўшди. Гап шундаки, банк томонидан корхонага 801,4 миллион сўм инвестиция киритилиб, унинг 683,2 миллион сўми ишлаб чиқаришни модернизация қилишга йўналтирилди.



Бундан ташқари, сабзавот маҳсулотлари сақланадиган омбор учун иккита аммиак компрессори сотиб олингач, унинг қуввати 600 тоннагача етказилди.

Бу — йил мобайнида харидоргир, янги, сифатли ҳамда консерваланган, мазали ва сервитамин маҳсулотларни арзон нархда бозорга чиқариш мумкин, демакдир.

Айни чоғда "Asia Sokato" МЧЖнинг раҳбарияти корхона фаолиятини бозор шароитларига мослаштириш мақсадида асосий эътиборни маҳсулот турларини янада кўпайтиришга қаратмоқда. Бу ерда турли хил яхна ичимликлар, жумладан, "BONAMORE" ишлаб чиқарилаётгани бунинг самарасидир. Эътиборлиси, Италиядан келтирилган замонавий ускуна ёрдамида соатига икки минг дона пластмасса идишда ичимлик суви қадоқланмоқда.

"Asia Sokato"да ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотлар фақат маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётгани, шунингдек, зарур компонентлар ҳам Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётгани диққатга сазовор. Таркибида кумуш бўлган, сувни тозаловчи кўп поғонали фильтрлар бунга яққол мисол бўла олади.

Айни кунларда янги корхонада салкам 50 нафар йигит-қиз эл дастурхонини турли мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда.

**Ольга НЕПОМНЯЩАЯ.**

# Мактаблар учун замонавий жиҳозлар

***Ғиждувон туманидаги 22-умумтаълим мактаби ўндан зиёд номдаги ўқув-методик қўлланмалар ва турли зарурий жиҳозлар билан таъминланди.***

**Таълим**

Бу тадбир Халқ таълими вазирлиги ҳамда Жаҳон банкининг "Мактаб таълимини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

Айтиш керакки, таълим жараёнини такомиллаштиришга мўлжалланган ушбу лойиҳа асосида Ғиждувон, Пешку, Ромитан туманларидаги 96 та мактаб, 74 та мактабгача таълим муассасаси бир миллиард 480 минг сўмликдан зиёд турли ўқув-методик материаллар ва фан хоналари жиҳозлари билан таъминланди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

қуйидаги кафедраларга мудир лавозими учун шартнома асосида

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

- **Нефть ва газни қайта ишлаш кимёвий технологияси кафедраси:** кафедра мудири.
- **Органик кимё ва оғир органик синтез технологияси кафедраси:** кафедра мудири.
- **Аналитик кимё ва нодир металлар технологияси кафедраси:** кафедра мудири.
- **Саноат экологияси кафедраси:** кафедра мудири.
- **Умумий кимё кафедраси:** кафедра мудири.
- **Тиллар кафедраси:** кафедра мудири.
- **Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар кафедраси:** кафедра мудири.
- **Фалсафа ва маънавият асослари кафедраси:** кафедра мудири.
- **Механика асослари ва муҳандислик графикаси кафедраси:** кафедра мудири.
- **Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси:** кафедра мудири.

*Юқоридаги лавозимларга тегишли номзодлардан ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ойдан кечикмасдан қабул қилинади.*

Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй, кадрлар бўлими. Телефон: (8-371) 244-79-31.

990R/1154

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР



**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60,40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120.**
**Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;**

**Бундан ташқари:**

**ЙИҒМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.**

**КАРБИД — Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.**

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

466R/586

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

миллий валютада янги муддатли банк омонати амалга киритилганлигини маълум қилади.

**«НАСИБАЛИ»**

- **Сақлаш муддати** — 4 ой.
- **Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.**
- Фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг капиталлаштиришсиз тўланади.
- Омонатга маблағлар 2010 йил 31 декабрга қадар қабул қилинади.

*Шу билан бирга, банк миллий валютадаги «Аломат» ва «Иззат» муддатли омонатларининг амал қилиш муддати 2010 йил 31 декабрга қадар узайтирилганлигини маълум қилади.*

***Ўз жамғармаларини бошқаришни бизга ишониб топширганларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб биламиз!***

**Омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган!**

**Қўшимча маълумотларни (8-371) 235-42-82, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.**
**www.nbu.com**

984R/70

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "SIFAT" маркази жамоаси касаба уюшма қўмитаси раиси Шоҳида Бегимқуловага падари бузруквори **БОЗОРБОЙ** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси тиббий биология, генетика, микробиология, иммунология ва вирусология кафедраси профессори **Кураш НИШОНБАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси тарих кафедраси мудири, доцент Исмоил Шодмонқуловга укаси **Ҳасан ШОДМОНҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ОМИХТА ЕМ 221,8 ▲+24,4 | ШРОТ 201,0 ▼ -6,6 | ШЕЛУХА 81,5 ▼ -0,4 | ПОЛИЭТИЛЕН B-Y 460 4817,2 ▲ +161,1 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 2790,8 ▼-1305,4 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 2864,5 ▲ +166,9 | МАЗУТ 410,2 ▲ +108,7 | СУЮЛТ.ГАЗ 2004,8 ▲ +289,7 | КЎМИР(б/к) 41,9 ▼-44,8 |

# «Асака» банки: КИЧИК БИЗНЕС — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 3-бетда).

Даромад келтирувчи активлар эса бир трлн. 792 млрд. сўмга етказилди.

Активлар динамикаси (млрд. сўм ҳисобида)




Айни чоғда банкнинг жами капитали 76,2 млрд. сўмга ёки 25,1 фоизга ўсиб, 379,6 млрд. сўмдан ортди.

Капитал динамикаси (млрд. сўм ҳисобида)




Шунингдек, банк мижозлари 218,6 минг нафарга кўпайиб, жами 796,4 минг нафарни ташкил қилди.

Мижозларнинг кўпайиш динамикаси (минг нафар)




"Асака" банки қимматли қоғозлар фонд бозорида ҳам йирик инвесторлардан бири ҳисобланади. 39 корхона унинг акциядори бўлиб, устав фондларида ўз улушига эгалиги бунинг исботидир.

Акциялар портфели республика бўйича диверсификациялаштирилган. Корхоналарнинг банкдаги акциялари ва устав фондларидаги ҳиссаси эса 104,3 млрд. сўмдан иборат.

Кредит қўйилмалари ҳажми 436,3 млрд. сўмга ёки 59,4 фоизга ўсган ҳолда, бир трлн. 171,3 млрд. сўмга етди. Кредит қўйилмаларининг 906,3 млрд. сўм миқдоридаги қисми (77,4 фоизи) узоқ муддатли кредитлар бўлиб, шундан 763,2 млрд. сўми инвестицион кредитлардир.

Кредит қўйилмалари динамикаси (млрд. сўм ҳисобида)




Бундан ташқари, шу йилнинг 9 ойи мобайнида 650,8 млрд. сўм миқдорида кредитлар берилган бўлса, унинг 326,2 млрд. сўм миқдоридаги қисми инвестицион кредитлар ҳисобига тўғри келди.

Банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бири, маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдан иборат. Шу мақсадда ана шу субъектларга миллий валютада 246,2 млрд. сўмлик кредит берилиб, унинг қолдиғи 430,0 млрд. сўмни ташкил этди.

12,6 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар, банкнинг махсус имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан эса 4,2 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Осиё тараққиёт банки томонидан микромолиялаш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан 121 лойиҳа бўйича 2,3 млрд. сўм миқдорида кредитлар йўналтирилган бўлса, банкнинг ўзи 27 та экспорт қилувчи корхонага уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун 65 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берди.

Аграр соҳани ривожлантириш, жумладан, иқтисодий ва молиявий барқарор қишлоқ хўжалиги корхоналарини ташкил этиш мақсадида банк томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларини зарур техника билан таъминлашга кўмаклашиш бўйича ишлар ҳам олиб борилди. Бунинг учун банк 44 та қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилишга 944 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратди.

Ўтган даврда, шунингдек, республикамизда паррандачиликни ривожлантириш мақсадида 23 лойиҳа бўйича 40,3 млрд. сўм миқдорида кредитлар берилди.

Ёш оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам жамоанинг диққат марказида турибди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 272 та ёш оилага 12,2 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари, 442 та оилага эса 1,8 млрд. сўм миқдорида истеъмол кредитлари ажратилди.

Аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш мақсадида 1447 нафар фуқаро 6,3 млрд. сўмлик истеъмол кредитлари, 301 оила 13,6 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари билан таъминланди. Истеъмол кредитлари портфели 14,7 млрд. сўмни, ипотека кредитлари портфели 99,7 млрд. сўмни ташкил этиб, банкнинг лизинг портфели 193 та лойиҳа бўйича 99,2 млрд. сўмдан ошди. Лизинг амалиётлари, айниқса, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларига йўналтирилгани эътиборга лойиқдир.

Ҳозирги кунда экспорт-импорт амалиётлари бўйича етакчи хорижий банклар, яъни "JP Morgan Chase" (АҚШ), "Korea Exim Bank" (Корея), "UBS AG" (Швейцария), "Commerzbank AG" (Германия), "Landes Bank Berlin AG" (Германия), "SMBC" (Япония), "RZB" (Австрия), "CITIBANK" (АҚШ) ва бошқаларнинг кредит линияларидан фойдаланилмоқда.

Шу билан бирга, корхоналар фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишлаб чиқариш учун зарур асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмларга бўлган талабларини ўз вақтида қондириш мақсадида банк томонидан 623 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 229 та аккредитив молиялаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга қаратилган қарорлари ижросини таъминлаш борасида аҳоли маблағларини омонатларга жалб этиш бўйича ҳам фаол ишлар олиб борилмоқда. Чунончи, бугунги кунда банк филиалларида 77 турдаги миллий ва хорижий валютадаги омонатларга аҳолининг бўш пул маблағлари жалб қилинмоқда. Муҳими, ўтган 9 ой давомида 25 та янги омонат тури очилди. Натижада аҳоли омонатлари қолдиғи 34,9 млрд. сўмга ёки 23,7 фоизга ўсиб, жами 182,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Аҳоли омонатлари динамикаси (млрд. сўм ҳисобида)




Айни пайтда "Асака" банки тизимида 26 та филиал, 107 та минибанк, 83 та махсус касса, 42 та жамғарма кассаси, 952 та аҳолидан коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловларни қабул қилувчи касса ва 6 та ҳаракатланувчи касса ишлаб турибди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аҳолидан коммунал ва бошқа хизматлар учун 21,7 млрд. сўм миқдорида тўловлар қабул қилинди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6,3 млрд. сўм кўпдир.

Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш бўйича ҳам муайян ишлар бажарилмоқда. Аниқроғи, банк томонидан 4780 та терминал ўрнатилиб, 592,8 минг дона сўм пластик карточкалари ва 113,7 минг дона халқаро пластик карточкалар муомалага чиқарилди, 35 та банкомат ва 35 та инфокиоск ўрнатилди. Корхона ва ташкилотларда эса 5960 та иш ҳақи лойиҳаси жорий этилди. Бунинг самараси ўлароқ, пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми кенгайиб, ўтган 9 ой мобайнида савдо айланмалари миқдори 296,9 млрд. сўмни ташкил қилди.

Мухтасар қилиб айтганда, "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки жамоаси бундан буён ҳам иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаш, мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатишга қаратилган кенг кўламли фаолиятини изчил давом эттираверади.

**«Асака» банки матбуот хизмати.** t





"Росагропромснаб" МЧЖ
ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ.
• УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
• 5 м³/соатдан 500 м³/соат гача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР
• ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
• ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари




Т/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90
Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, "Ц" даҳаси, 6-уй (мўлжал — "Шуҳрат" дўкони жойлашган чорраҳа)




ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 176,1 ▼ -1,7 | ЦЕМЕНТ (ШПЦ400 Д80) 174,0 ▼ -9,8 | АРМАТУРА 1320,0 ▼ -976,0 | ШИФЕР (1 лист) 14983 ▲ +86 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 39240 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.45 Топширилди — 02.35
1 2 3 4 5